

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси



"МЕҲРИБОН"НИНГ МЕҲРЛИ АЪЗОЛАРИ

Мактабимизда "Диловар", "Навози", "Ширинтой"лардан иборат "Меҳрибон" уюшмаси ташкил этилган. "Диловар" сўзи — мард, жасур, довжурак маъносини билдириб, бу жамоага фақат ўғил болалар аъзодирлар.

"Навози" сўзи эса ширинсўз, меҳрибон, яхшилик қилувчи маъносини билдириб, унинг аъзолари фақат қизлар. "Ширинтой" эса 7-9 ёшли кичкинтойлардан иборат.

Бугунги кунда "Меҳрибон" уюшмасининг шеърӣ усулдаги "Қасамеди", ширинтойчилар учун эса шеърӣ қоидаси бор. "Ширинтой"чилар ҳам,

уюшма аъзолари ҳам йил давомида қиладиган ишларини режалаштириб олишган. Улар асосан жамоанинг номига муносиб бўлган яхшилик ва фойда келтирадиган ишлардир. Бундай тадбирларнинг қизиқарли, самарали ўтказилаётгани учун ҳам "Меҳрибон"га аъзо бўлишни истаганлар сони кун сайин орғиб бормоқда.

Уюшмамизнинг ишлари билан янада яқин танишишни истаганлар учун манзилгоҳимизни айтиб ўтаман: Наманган вилояти, Ҳаққулобод шаҳридаги 6-мактаб.

Равшан МАМАДИЕВ,
"Меҳрибон" уюшмаси етакчиси.



Тошкентдаги 506-болалар боғчасида гимназия гуруҳи ташкил этилди. Бу гуруҳни ташкил қилишдан мақсад болаларниёшликдан оқ гимназия мактабларида ўқиш учун тайёрлай боришдир. Шу мақсадларда тажрибали боғча тарбиячилари ҳамда мактаб ўқитувчилари болаларга инглиз тили, жисмоний тарбия, одобнома, мусиқа ҳамда расм фанларидан сабоқ бериб келишяпти. Шунингдек, болалар эркин фикрлаш, ўзини тута билиш, катталар билан қандай муносабатда бўлиш кабиларни ҳам ҳозирдан оқ ўрганиб боришяпти.

Суратда: Тажрибали тарбиячи Мунаввар Нуридинова болаларга саломлашиш одобини ўргатяпти. Боғча мудираси эса бундай машғулотларни доимо назорат қилиб боради.

Р. АЛБЕКОВ туширган сурат.

Акс-садо

Мен Ғузор туманидаги 39-мактабда ишлайман. Болаларни жуда севаман. Шундан бўлса керак, "ТоғиГ Ҳолдузи" газетасини зўр қизиқиш билан ўқиб бораман. Нафақат болаларнинг, балки биз катталарнинг ҳам сеvimли газетаси бўлмиш "ТоғиГ Ҳолдузи"да эълон қилинаётган ранг-баранг мавзудаги мақолалар, кўтарилётган муаммолар фикрлар бизга жуда маъқул бўляпти. Айниқса, "Шанба ота-оналар кўни" саҳифасида эълон қилинаётган мактубларни катта қизиқиш билан ўқиб, синфимиз ўқувчилари билан муҳокама қиламиз. Саҳифадаги "Миллионер дадам бўлсайди" ҳамда "Мени тушунишмади" сарлавҳали мақолалар ўқувчиларимиз орасида мунозара ва тортишувларга сабаб бўлди. Биргина ўқувчининг бутун синфга кўрсатаётган салбий таъсири,

ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ МУМКИН

синфдошларининг фикрини бўлиб, маълум маънода ўқишга бўлган интилишларини ҳам сўндириши мумкинлиги хусусида фикрлашдик.

Бизнингча, мактаб ўқитувчилар жамоаси, ота-оналар кўмитаси аъзолари биргаликда тушунтириш ишлари олиб боришса, "яра" газакламасдан тузалармиди?! Шунингдек, "Мени тушунишмади" мақоласидаги Шоира исмли қизнинг изтироблари ҳам бизни тўқинлантириб юборди. Шоира таълим оладиган мактабда болалар етакчиси ҳамда қизлар кенгашлари фаоллик билан иш олиб боришганда, у ўқинмаган, яккаланиб қолмаган бўлармиди?! Бу борада бизнинг "Ўзбекистон" номли тўлиқсиз ўрта мактабимизда амалга оширилётган ибратли ишлар талайгина десак, муболага бўлмайди.

Синф раҳбарларимизнинг ишлари тўғри ташкил қилинган, болалар етакчиси Нигорахон Ҳайитова таълим-тарбияга хос жуда кўплаб тадбирлар ўтказди, ўқувчиларни бўш вақтларида фойдали ишларга жалб қилади.

Шоҳулат БҲРОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани.



Р. АЛБЕКОВ туширган сурат.

Яқинда республика

ёш эстрадачи

ўқувчиларининг

"Конферанс-94"

кўрик-конкурс

бўлиб ўтди.



Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази. Дид билан безатилган томошагоҳ. У ўқувчилар билан тирбанд. Чироклар ўчирилади. Саҳнага ярашикли кийинган ўртақаш ўқувчи Дима Купрейд чиқади. "Хуш келибсиз, ёш эстрадачиларнинг "Конферанс-94" кўрик-конкурсига", дея мактаблараро бўлган учрашувларда голиб деб топилган саккиз ёш эстрадачи кўшиқчиларни ўртага таклиф қилади. Ҳар бир



кўшиқчини томошабинлар қизгин олқишлашади. Ва конкурс бошланади.

ГОЛИБ БЎЛИШИМГА ИШОНГАНДИМ



Конкурс уч босқичдан иборат: "Ташриф варақачаси" (бунда ҳар бири ўзи ҳақида қисқача маълумот беради), "Ўйин майдони" (ўзи севган бирор асар еки шеърдан монолог айтиш), "Маҳорат" (кўшиқ еки ўйин санъатини намойиш этиш).

Беллашувни 293-мактаб ўқувчиси Т. Хромова бошлаб беради, сўнг навбатма-навбат Е. Зайцева (293-мактаб), Л. Шетова (14-мактаб), Т. Зокиров (166-мактаб), Е. Назаренко (172-мактаб), Ю. Николаева (280-мактаб), А. Икромов (213-мактаб), Г. Павлова (218-мактаб) ўз санъатларини намойиш этишади.



Рустамга эса мянисида оний чарх урган шум ниъти тинчлик бермасди. Ўртоғининг уйидаги пулларни қандай йўл билан бўлса ҳам қўлга киритиш истаги уни жиноятга бошлади. Орадан ҳеч фурсат ўтмай соат 12-13лар атрофида қўлида темир арматура тутганича яна Равшанларнинг уйи олдида пайдо бўлди.

"ХАЛИ ЁШ,
ЮВОШ"
РУСТАМЖОН»
2-БЕТ

Уюшма ишларини етакчиларсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам етакчиларимизнинг олиб бораётган ишларини кўрсатиш мақсадида "Йил-94 Етакчиси" кўрик-танловини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

"Наманганлик болалар яшил
бўйинбоғ тақшиади"

3-БЕТ

Шунда йўловчи машина қаттиқ чи-йиллаб тўхтади. Кучукчанинг аянчли вангиллаши эшитилди. Комилжон юраги зиркираб ўша томонга қаради... Кучук! Халиги кучук!.

"Оқибат"

4-БЕТ



Рустам оилада тўнғич фарзанд. Отаси оламдан ўтган. Онаси ҳамда икки нафар укаси бор. 8-синфни тамомлагач, ўқишни давом эттирмади, турли жойларда ишлаб, шунга яраша ҳақ олиб юрди. Кунларнинг бирида Равшан исмли бола билан танишиб, ҳеч ўйлаб ўтирмай унинг уйига ташриф буюради. Ҳали яхши синашга бўлмаган янги ўртоқни Равшан очик кўнгиллик билан меҳмон қилди. Сўнгра шоша-пиша мактабга отланиб, ошхонадаги идиш-товуқлар турадиган жавон ичидан бироз пул олди. Ва улар биргаликда чиқиб кетишди. Равшан хайрлашиб мактаб сари йўналди. Рустамга эса миясида оний чарх урган шум нияти тинчлик бермасди. Ўртоғининг уйидаги пулларни қандай йўл билан бўлса ҳам қўлга киритиш истаги уни жиноятга бошлади. Орадан ҳеч фурсат ўтмай соат 12-13 лар атрофида қўлида темир арматура тутганича яна Равшанларнинг уйи олдида пайдо бўлди. Қўшни хонадон эшигининг кўриш мосламасини қозғоқ билан беркитиб, эшикни тузатишга киришди. Шу пайт кўтирилган қўшни хонадон соҳиби чиқиб қолиб, Рустам зудлик билан пастга отилди.

Ўйлаган режаси барбод бўлган Рустам яна бир, аввалгисидан ҳам пухтароқ режа тузади. У хийла йўлига ўтади. Равшан ўқийдиган мактаб-гимназияга бориб, "уйларингга ўғри тушибди", дея чақириб келади. Кўтирилган ҳолатдан ўзини йўқотиб қўйган Равшан қулфдаги очига бўлган уринишларни пайқаб, ҳеч шубҳасиз "уйимизга ўғри келибди" деган хулосага келади. Уй эшигини очиб, папкасини қолдиради-да, қўшни аёлнинг уйдан отасига кўнгирак қилишга ошқоқди. Бу пайтда очик қолган уйга Рустамни кўриқчи қилиб қолдириб, "қўйни бўрига топширади". Зудлик

билан етиб келган отаси, милицияга хабар қилади. Уйга киришгач, ошхонадаги пулларнинг йўқолганлиги маълум бўлади. Бу пайтда қўшни аёлни эшикни бузишга уринаётган икки йигитни кўрганлигига, ҳатто уларнинг ортидан қувиб, ета олмаганлигига ишонтиришга муваффақ бўлган Рустам ҳеч кимда шубҳа тугдирмай жуфтасини ростлаб қолади. Лекин милиция ходимларининг хушёрликлари ва тезкор харакатлари билан 34.300 сўм пулни ўмариб кетган Рустам бозор атрофида қўлга олинади.

У тергов жараёнида айбига тўла иқроф бўлиб, қўидаги кўрсатмаларни берди:

"Мен 191-мактабда ўқийдиган Касумов Равшан билан шунчаки таниш эдим. 1993 йил 19 октябр кўни эрталаб Равшанларнинг уйига келдим. У бир ўзи экан. Бир неча кундан бери уйимга бормай юрганлигини билиб, менга раҳми келди ва ўзим олиб келган картошкани қовуриб берди. Равшан билан уйдан чиқдик... Равшан кўшнисининг уйига телефон қилиш учун чиқиб кетганида, зудлик билан уйга кириб ошхонадаги жавон ичидан 34.300 сўм пулни олиб чиқиб кетдим ва уларни ўз эҳтиёжим учун ишлатиб юбордим. Қилган ишимдан чин кўнгилдан пушаймонман".

Суд зали 249-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари билан гавжум. Уларни С. Раҳимов туман халк судининг раиси Ҳамиджон ака



ЖАЛИЛОВ таклиф қилган. — Биз ўқувчилар билан тез-тез учрашиб тураемиз, — дейди суҳбатимиз чоғида Ҳамиджон ака. — Ҳар ойда бир-икки марта тумандаги турли мактабларга бориб, "Жиноят ва жазо", "Ўсмир ва қонун", "Жиноят ўзи нима?" каби мавзуларда суҳбатлар уюштирамиз. Ўқувчиларни қизиқтирган қўплаб саволларга жавоб берамиз, тушунтириш ишлари олиб борамиз. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. 249-мактаб ўқитувчилари учрашувга таклиф қилишди. Шунда ҳаёлимга бир фикр келди. Ўқувчиларнинг ўзларини суд биносига таклиф қилсамчи! Ўсмирлар суд жараёнини, қора курсини-ю кишанларни ўз кўзлари билан кўришса, учрашувларда фалончи жиноят содир қилгани учун шунча йилга озодликдан маҳрум этилди, дея маъруза қилгандан кўра, таъсири кучлироқ

рўйхатида турган бу ўсмир Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 125-моддаси, 3-қисми билан айбли деб топилиб, 7 (етти) йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Авваллари бундай майда ўғирликлар учун маъмурий жазо қўлланиларди, холос. Ҳозир эса ундай эмас.

Ўзлари англаб-англамай жиноят содир қилган бундай ўсмирлар рўйхатини, афсуски, яна давом эттираверишим мумкин. Булар ҳақида гапиришдан мақсадимиз, ёшларимизни қонунчилик билан янада яхшироқ таништира бориш, улар орасида учраб турадиган майда безорилик, жиноятларнинг олдини олишдир. Қай бир мамлакатда қонун устувор бўлса, ўша давлат кучли бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат барпо этиш арафасида турган ҳозирги даврда қонунчиликни ёшларимиз онгига мактаб партасиданоқ сингдира бориш жуда муҳимдир. Токи улар ҳар бир қадамларини ўйлаб боссинлар, партадошининг ҳатто қаламини ҳам берухсат олиш мумкин эмаслигини англаб етсинлар, дўстлашишдан аввал яхшилаб синашга бўлсинлар. Шу маънода бизнинг ҳам, мактаб ўқитувчилари ҳамда ота-оналарнинг ҳам мақсад, маслагимиз бир бўлсагина, кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

Суд жараёни давом этарди. Унда иштирок этаётган даъвогар, гувоҳлар ҳамда айбланувчининг онасига навбати билан сўз берилди. Прокурор ердამчиси,



„ХАЛИ ЕШ, ЮВОШ“ РУСТАМ

ёҳуд

очик суд мажлисидан репортаж

бўлармиди, деган ниятда уларни бу ерга таклиф қилдим. Ўқувчилар суд биносини, судланувчилар сақланадиган махсус хоналарни кўздан кечиришди. Судья Бахтиёр ака Сайфуллаев, прокурор ердამчиси Азим Абдуллаев ҳамда кўп йиллардан бери шу соҳада ишлаб келаётган тажрибали оқловчи Фармон ака Мўминовлар билан ўқувчиларнинг суҳбатлари жонланиб кетди. Улар ўзларининг иш тажрибаларидан сўзлаб беришди, ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига киритилган янги ўзгаришлар билан таништирди.

Ёшларимизнинг қонунчилик ҳақида маълум тасаввурга эга бўлишлари фойдадан холи эмас, деб ўйлайман. Чунки, ўйламай қўйилган ҳар бир қадам улар ҳаётига салбий таъсир ўтказиши, ҳаттоки еш умрларини барбод қилиб юбориши мумкин. Мана бир мисол, Санобар исмли бир киз қўшни кампир билан уришиб қолади. У кампирнинг уйдан бир зумга чиқишини пойлаб туриб, зудлик билан хонага киради-да, газни очиб қўяди. Бахтга қарши уйдаги газ ҳидини сезиб қолган кампир милицияга хабар қилади. Зумда етиб келган тезкор гуруҳ аъзоларига қўшни киздан гумони борлигини айтади. Табиийки, киз буни инкор қилади. Лекин суд экспертизаси хонадаги оёқ изларининг шу кизга тегишли эканлигини аниқлайди. Қасддан содир қилинган харакатининг жиноят эканлигини англаб ҳам етмаган киз сўроқ қилинганда, "мен уни шунчаки кўрkitиб қўймоқчи эдим", дея курсатма беради. Охир-оқибатда бу киз одил суд қаршисида ўз қилмишига яраша жавоб берди.

Шунингдек, бир бола қўшнисининг 4 та товуғини ўтирлайди. Муқаддам милиция

ҳамда оқловчининг барча фикр ва мулоҳазалари тинглангач, суд ҳайъати маслаҳатлашиш учун чиқиб кетди.

Фурсатдан фойдаланиб биз ҳам ўтаётган суд жараёни ҳақида бироз мушоҳада юритамиз.

Бу дунёда ҳар бир нарсанинг меъёри, ўлчами, киёси мавжуд. Фақат она меҳринигина ҳеч нарса билан қиёслаб, ўлчаб бўлмайди. Энг орқа ўриндикда кўзлари жикқа ёшга тўлиб ўтирган Рустамжоннинг онаси диққатимизни тортди. Бир вақтлар ўғил кўрдим, дея қувончи ичига сигмаган, ўзи оз еб, едирган, кам қийиб, кийдирган, елгиз ўзи не-не орзу-умидларга йўғрилиб ўстирган фарзанди, кексайганда унга таянч бўлиш ўрнига кўп ичидан юзини ерга қаратди, бошини ҳам қилди.

Онанинг судга берган кўрсатмаларига эътибор беринг: — Ўғлим Рустамжон 8-синфни тамомлагач "ўқимайман, ишлайман" деб туриб олди. Ўзим қўлидан тутиб, бир неча жойга мурожаат қилдим. Уни ишга қабул қилишмади. Шундан сўнг ўзи иш топишга киришди, дўстларига ердამлашиб, чойчака ишлаб юрди. Мана оқибати, шундай ювош, чизган чизгимдан чиқмайдиган ўғлим шу

қуйга тушиб ўтирибди... Она боласига "хали еш, ювош", дея таъриф берапти. Ваҳоланки, Рустам ўз кўрсатмасида бир неча кундан бери уйга бормай, ҳар ерда тунаб юрганлигини таъкидлайди. Хўш, онасининг таъбири билан айтганда, унинг ювошлиги қайда қолди? Онанинг бу гаплари фақат ўз-ўзини овутиш учун айтилаётгандек, гўё. Шу ўринда туман балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўлими ходимларига ҳам эътирозимиз бор. Муқаддам милиция рўйхатида туриб, маъмурий жазога тортилган, ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юрган Рустамнинг тақдири билан қизиқиб, босаётган қадами назорат қилинганда, у ҳозир қора курсида ўтирмаган бўлармиди?!

Залда ўтирганлар ҳам қизгин баҳс, мунозара юритишади. Ўқувчиларнинг юзларида жиддийлик, хавотирлик аломати. Рустамжоннинг тақдири қандай кечаркин? Ҳамманинг дилидан шу савол ўтарди.

— Мен II-синфга раҳбарлик қиламан, — дейди физика фани ўқитувчиси Мавлуда опа Раимова кўзларига ёш олиб. — Мен ҳам онаман, шу бола тенги фарзандларим бор. Темир панжара ортидаги Рустамжонга боқиб, унинг завол бўлаётган умрига, ешлигига ачиниб кетяпман. Суд мажлиси давомида ўқувчиларимни зимдан кузатдим. Уларнинг чеҳралари жиддий тус олган, Рустамга ачиниб боқишади... Истардимки, ҳеч бир банданинг азиз фарзандини қора курсида ўтиргulik қилмасин...

... Ўрнингиздан турун, суд келяпти! Зал бир қалқиб тушгандек бўлди. Оғир суқунат чўкди. Ҳамма хаяжонда. Суд мажлиси раиси Х. ЖАЛИЛОВ ҳукми ўқиб эшиттирмоқда:

ҲУКМ

Юсупов Рустам Раҳимбердиевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 15-орқали 125-модданин 3-қисми ва 125-модданин 3-қисми билан айбли деб топилсин. Юсупов Рустамжон Раҳимбердиевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 15-орқали 125-модданин 3-қисми билан 7 (етти) йилга озодликдан маҳрум этилсин. Унга тегишли бўлган мол-мулк давлат фойдасига мусодара этилсин... Юсупов Рустам Раҳимбердиевич жазосини умумий тартиб ўрнатилган тарбия-меҳнат колониясида ўтатирилсин.

Жабранувчи Касумов Қосим фойдасига келтирилган зарар 34.300 сўм онаси Юсупова — Пайзиева Нури Фатхуллаевнадан ундирилсин".

Репортажни Феруза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.



(Боши 1-бетда).

Алишер билан эса куйидаги мазмунда суҳбатлашдик.

— Оиламизда санъаткор йўқ. Лекин санъатни севишди. Ўзимдаги қобилиятга келсак, биринчи хиргойи қилиб юрганман, сўнг у-бу жойларда қўшиқлар айтдим, тенгдошларим орасида танилдим ва бир куни мусиқа ўқитувчимиз "Сенда қобилият бор экан, кел, конкурсга қатнашгин" деди.

Аввал бошда "йўқ" дедим. Чунки катта сахнада қўшиқ айтиш, яна мактабнинг шарафини ҳимоя қилиш, ишқибозларнинг ишончини оқлаш... Шундай иккиланиб юрганманда шоирликка даъвогар ўртоғим бир шеър ўқиди:

Ишон,

Ҳеч ким ишонмаган

узоқ нарсага.

Шундай ишонки сен,

бу ишонч

жарга қулаётиб

"ўлмайман" деган

туйғу каби телбавор

бўлсин.

Нихоят, мана сахнадаман,

ҒОЛИБ

БЎЛИШИМГА

ИШОНГАНДИМ

ғолиб бўлишимга ишонаман.

Алишер сахнада "Жиннури" кўшигини айтади, бу жюри хайъати томонидан юқори баҳоланади. Аммо ўтган конкурс шартларида кўрсаткич баҳоси пастроқ бўлганлиги сабабли Ш-ўринни эгаллайди. I-ўринда Г. Павлова (218-мактаб), II-ўринда Т. Зокиров (166-мактаб).

Конкурс тугади, ғолиблар аниқ бўлди, қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрликлар топширилди, еш қўшиқчиларнинг кейинги изланишларида ривожлар тиланди. Лекин бир чеккада паршон турган Алишерга бу кутловлар татимайди. Тенгдошлари олдида ўзини ноқулай сезади, яхшилаб тайергарлик кўрмагани боис ўз-ўзидан афсусланади. Биз эса унинг кўнглини кўтаришга киришамиз: "Хафа бўлма, Алишер, кейинги сафар албатта биринчи ўринни оласан".

Суратларда: "Конферанс-94" кўрик-конкурси қатнашчилари.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган. Шакар СУННАТОВ.



Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги 1-мактабда санпостчилар ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Ҳар ҳафтада бир марта ўтказиладиган мактаб ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиши тадбирида унинг аъзолари машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлайдилар, деворий газетада эса ўз фаолиятларини ёритиб борадилар. Санпостнинг еш аъзолари туман ҳамда вилоят кўрик-танловларининг ғолиби ҳамдирлар.

Суратда: Санпостчилар Наргиза Эшбоева, Азиза Зоирова, Комила Эшбоева ва Раъно Янгибоевалар биринчи ёрдам кўрсатишмоқда.

Р. АЛБЕКОВ туширган сурат.



Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси республикамизда ягона болалар ташкилоти ҳисобланади.

Сиёсатдан ҳоли ва фойдали ишлар ташаббускори бўлган бу Уюшма бугунги кунда ўсмир ёшларининг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш ишида муҳим ўрин тўпмоқда. Аммо жойларда қилинаётган ишлар ҳақида ҳаммамиз ҳам яхши билмаймиз. Шу сабаб ҳам Уюшманинг фаолияти сўнган деган хулосага ўрин қолмоқда. Бу фикрни рад этиш маъносида бугундан бошлаб биз газетамиз саҳифаларида Болалар ва Ўсмирлар Уюшмасининг вилоят Кенгаши фаолиятларини ёритиб боришга қарор қилдик. Бу анъанани наманганликлар бошлаб берадилар.

1991 йилнинг 12 ноябрь кунидан бошлаб вилоятимиз ўсмир ёшлари ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади.

Навбатдан ташқари қақирилган XVI Республика кашшофлари слёти болалар ҳаракатида янгича қараш, янгича иш юритиш — эркин фикрлаш ва иш олиб боришга асосланган фаолиятни еқлаб чиқди. Ҳеч қандай кўрсатмаларсиз ва буйруқларсиз, фақат фойдали ва бирон нарсага ўргатувчи фаолият юритишга кўникма ҳосил қилиш учун ҳам эса икки йил муҳлат берилди. Бу вақт — ўтиш даври деб эълон қилинди. Ўтиш даврининг биринчи йилларида болалар уюшма фаолияти асоси қандай бўлиши керак, қандай режаларга таяниб иш юритиш, кимлардан ўрганиш кераклиги хусусида фикр юритишди, иш ўрганишди. Шу билан бирга



УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

• Учқўрғон шаҳар Болалар ва Ўсмирлар ижод маркази қошида кичик корхона ташкил этилган. Ўсмир-ёшларга касб-ҳунар ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу корхона тикувчилик, пазандалик ва кулолчилик сирларини ўргатиш билан бирга улар қўли билан тайёрланган маҳсулотларни дўконларда сотишга кўмаклашмоқда. Бундан тушган маблағлар кичик корхона ҳисобини бойитиб, кичик ишбилармонларнинг ишини ривожлантирмоқда.

• Чортоқ тумани мактабларида ҳам Болалар ва Ўсмирлар уюшмасининг бошланғич гуруҳлари ташкил этилган. Уюшма аъзолари йиғилиб, маслаҳатлашадиган, иш юритадиган хона авваламбор яхши жиҳозланган бўлиши керак. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Наманган Халқ таълими бошқармаси ва вилоят Ёшлар Иттифоқи кўмитасининг ташаббуси билан "Энг яхши болалар ва ўсмирлар хонаси" кўрик-конкурси ташкил этилди. Чортоқликлар гурур билан ушбу конкурс ғолиби бўлишгани ҳақида ҳикоя қилишади.

• Тумандаги 19-мактаб қошида ташкил этилган Шароф Рашидов номидаги болалар жамоаси ёшлар ҳаракатида кўзга кўринган ишларни амалга ошириб келаётган ташкилотлардан. Ушбу жамоага беш йилдан буён етакчилик қилиб келаётган Илҳомжон Мамадалиев Уюшмага қабул қилишнинг болаларга маъқул йўлларини ишлаб чиққан. Бу жамоада 351 нафар аъзо бор. Уларнинг 108 нафари кичик ёшдагилар учун ташкил этилган "Умидчилар" гуруҳи аъзоларидир. Уюшма гуруҳлари орасида мустақил Республикаимизнинг байроқ, гербини таърифлаш ва мадҳияларини айтиш бўйича мушоиралар ўтказилди, қишлоқ ва шаҳарларимиз тарихини ўрганиш бўйича ҳам турли мунозара ва кечалар уюштирилмоқда.



НАМАНГАНЛИК БОЛАЛАР ЯШИЛ БЎЙИНБОҒ ТАҚИШАДИ

уюшманинг энг қуий ташкилотларининг фаолиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилишди. Барча мактабларда ташкил этилган болалар жамоаларининг ўз хонаси, етакчиси, иш режаси бўлишига эришилди. Уюшмага аъзо бўлганлар "Она юрт", "Меҳр-шафқат", "Экология", "Саломатлик", "Меҳнат" фаолияти йўналишлари бўйича анчагина фойдали ишларни амалга оширишди.

Сентябр ойи охирида Наманган Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси ўзининг I пленумини ўтказди. Бу йиғилишни ўтказишдан мақсад ўтиш даври яқунлари ва келажак ишларини

режалаштириб олиш эди. Туманлардаги Болалар ва Ўсмирлар ижод марказлари ходимлари, уюшма етакчилари пленумга қадар давр ичида уюшма фаолиятидаги мақтовга лойиқ ишлар, фойдали ташаббусларни тилга олиб ўтишди.

Пленумда ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашда Болалар ва Ўсмирлар уюшмасининг роли, Уюшманинг Наманган вилоят Кенгаши ваколатлари ва ҳаракат йўналишлари, унинг аъзолик белгиси масалалари кўриб чиқилди.

Ўз иши давомида пленум қатнашчилари Уюшма вилоят

Кенгашининг кейинги йиллар фаолияти учун зарур ва муҳим бўлган бир қанча қарорларни қабул қилди. Асосий иш йўналишлари бўйича фаолият юритадиган юқори синф ўқувчилари учун "Ихтиёрсизлар" жамоасини, 7-9 ёшли ўсмирларни жамлайдиган "Умид" клубини ташкил этишга келишиб олинди. Пленум аъзоларига тавсия этилган икки хил бўйинбоғдан биринчи варианты маъқул келди ва Наманганлик Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси аъзолари бундан буён яшил рангли бўйинбоғ тақиб юришадиган бўлишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН ИККИ ХАБАР

ЁШ ТАБИАТШУНОСЛАР

Амударё Қорақалпоғистоннинг катта туманларидан бири. Қипчоқ, Хитой, Манғит, Қиличбой каби бўлимларни ўзига қамраб олган туманда бугунги кунда 75 та ўрта таълим мактаблари ишлаб турибди. Уларда таълим олаётган ўқувчилар узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатаётган ёш табиатшунослар станцияси тўғракларига қизиқиш билан қатнашиб келишади.

Ёш табиатшунослар станцияси 1986 йили Крупская номидаги мактаб қошида ташкил этилган эди. Дастлабки даврда бу ерда атиги икки тўғарак иш олиб борди. Тўғарак ишларига қизиқувчилар кун сайин ортиб борди. Шу сабаб ҳам тўғараклар сони ва турлари ҳам кўпайиб борди.

Бугунги кунда ёш табиатшунослар станциясида қуёнчилик, богдорчилик, пахтачилик, балиқчилик, паррандачилик, табиатни муҳофаза қилиш каби еттитадан ортиқ тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Навоий номидаги мактабнинг 0,30 гектарлик боғи станция аъзолари ихтиёрига берилган. Болалар тўғарак раҳбарлари Гулбаҳор Матниезова Гулара Раҳимова, Турсуной Эшимбетова бошчилигида боғдаги тажриба бўлимларида турли хил кузатиш ишларини олиб боришапти.

Станциядаги тўғарак машғулотлари болаларнинг дарслардан олган билимларини мустаҳкамловчи база вазифасини ўташ билан бирга уларни табиатимиз мусаффолиги учун курашишга ҳам ўргатмоқда.

РУЧКА ХАРХАШАСИ

Холмуроднинг хархашаси эрталабдан бошлади.

— Мактабга бормайман. Ручкам йўқ. Ўқитувчимиз ўқув қуролнинг бўлмаса, мактабга келиб нима қилсан, деб уришяптилар.

Онанинг аччиги чиқди. Ахир сентябр бошида унга икки кита ручка сотиб олиб берганди. Бола-да, тез кунда унисини йўқотдим, буниси синиб кетди, янги ручка олиб беринг, деб мактабдан келади. Кошкиди бу ўқув қуролларини аввалги йиллардагидек дўконга бориб, тайёр олиб кела қолсанг...

Хуллас, Холмурод шу кунни ҳам мактабга ручкасиз кетди. Кейинги пайтларда ўқув қуролларининг дўконлардан топилмай қолганлиги ўқувчилар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам кийинчилик туғдирмоқда. Аммо чайқовчилар қўлида бундай "камеб" моллар топилиб туради. Болаларнинг билим олишга қизиқишлари кун сайин ортиб бораётган даврда бундай кўнглини хижил қиладиган ишларга чек қўйилса, ёмон бўлмас эди.

Х. ОТАМУРОДОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё туманидаги Қипчоқ давлат ҳўжалиги.

Вилоят Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси Кенгаши ўтиш даврининг II босқичида ҳам асосий эътиборни бошланғич жамоалар тузиш, уларнинг ишларини ривожлантиришга, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларнинг, оталиқ ташкилотларнинг эътиборини болалар ташкилотига қаратиш ва уларнинг ҳар томонлама кўмагига эришишга қаратмоқчи. Бу билан болалар ҳаракати ишларини янада яхшилашдан умидимиз бор.

Уюшма ишларини етакчиларсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам етакчиларимизнинг олиб бораётган ишларини кўрсатиш мақсадида "Йил-94 Етакчиси" кўрик-танловини ўтказишга тайергарлик кўрмоқдамиз. Бу фақатгина танлов бўлиб қолмасдан Уюшманинг вилоят Кенгаши олиб бораётган иш кўргазмаси бўлади, десам адашмайман.

Қилаётган барча ишларимиз ҳуқуқий давлат ва миллий мафкураси шаклланаётган республикамиз учун етук ва баркамол ёшларни тарбиялаб бериш бўлган улуг ишга хизмат қилади.

С. ҲАМРОҚУЛОВА,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи
Наманган вилоят кўмитаси қотиби,
Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси
вилоят Кенгаши раиси.

Ғайрат ЖАЛОЛОВ — 60 ёшда

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарга қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан. Гўзал Тошкент шаҳрининг Қозикўча деган маҳалласида 1933 йилда бўлғуси етук фольклоршунос олим Ғайрат Жалолов туғилган экан. Яқинларининг айтишларига қараганда, ёшлигиданоқ халқ

нашриёти), “Узбекский сказочной эпос” (1980 йил, “Фан” нашриёти) каби салмоқли монографиялари чоп этилган. Бу илмий-назарий характердаги китоблари республикамизнинг кўзга кўринган фольклоршунос олимлари Малик Муродов, Тўра Мирзаев, Баҳодир Сармсоқов, Комил Имомов, Нодир Саидов, Худойберган Эгамов



Сафар ОЛЛОЁР, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманига қарашли Оқработ қишлоғида туғилган. **У ДЕЙДИКИ:** “Шеърларим-табаррук соғинчларим, азобларим, улуғ орзу ва пок ниятларим. Буларга талпиниб яшаш олий дастуриамалимдир”.

Елкасида бисёр юк билан Ортада қолди йигирма аср. Шунинг учун йигирманчига Айни дамда тушган кўп ташвиш... Тушар экан кимнинг бўйнига Асрлардан қолган чала иш.

ЮРАК САДОСИ

Дўстлар, менинг юрагим Доим меъёр билан “Дек-дук” эмас “Тинч-лик” деб Ҳайқириб бонг уряпти. Қалбигинам бу садони Ўз ихтиёри билан Ватандошлар қалбига Фақат олға суряпти.




ЗАР ЧАШМАДАН ДУР ТЕРГАН ОЛИМ

донолигига ошиқ бўлган Ғайрат Жалолов эртани кўп севармиш. Эҳтимол, эртақ, дoston, ривоят ва маталларни севиб тинглашига сабаб буvasи Ғайратнинг орзига “Илоҳим, фольклоршунос олим бўлгин, халқ донолигининг зар чашмаларидан дурлар териб юргин, болам”, деб туфлаган бўлсалар, ажаб эмас. Мен сўзимни бежиз катта-ю кичик севиб тинглайдиган эртақдан бошламадим. Яхши ният, ёрти мол, деганларидек, ҳозирги кунда бувилари орзу қилганларидек, Ғ. Жалолов халқ меҳрини қозонган олим, филология фанлари доктори, профессордир. Ғайрат Жалолов ўзбек фольклоршунослигида эртақлар тадқиқотчиси сифатида республикага танилган илм ки- шисидир. Эртақшунослик масалалари бўйича у кишининг “Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси” (1976 йил, “Фан” нашриёти), “Ўзбек фольклорига жанрлараро муносабат” (1979 йил, “Фан”

томонидан юқори баҳоланган. Профессор Ғайрат Жалоловнинг фольклоршуносликдаги илмий тадқиқотларига собиқ иттифокнинг кўзга кўринган олимларидан Б. Н. Путилов, Х. Г. Кўруғли, Б. П. Кирдан, Ю. Г. Круглов, М. Я. Чикавани, М. Мегрийдзе, Ж. К. Бардавализде. Бачажба, Амир Нажиб, Саид Қасқабасов, Э. Турсунов сингарилар юқори баҳо берганлар. Ғайрат Жалолов фольклор намуналари тадқиқотчисигина бўлиб қолмай, уни тўпловчи, нашрга тайёрловчилик фаолиятлари билан ҳам танилган. Хусусан, у кишининг Ўзбекистон Фанлар академияси, Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёмалар илмий текшириш институти фольклор бўлими ходимлари билан ҳамкорликда тайёрлаган “Ўзбек халқ эртақлари” ҳамда рус тилидаги “Узбекские народные сказки” каби нашрларини алоҳида тилга олиш керак. Олимнинг 40 йиллик педагогик

фаолиятига назар соладиган бўлсак, дастлаб Низомий номидаги педагогика олий билимгоҳидан бошлаб, кафедра мудирлиги, қуллиёт деканлиги, ҳозирги кунда эса Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳида ўқув ва таълим тарбия ишлари бўйича ректор муовини лавозимида ишлаб келмоқда. “Сой бўйида ўтиру сувнинг оқишин кўр” деганларидек вақтнинг ўтишини қарангки, устоз олим 60 ёшга кириб қолибдилар. Таниқли олим, ажойиб инсон, серфарзанд ота, кўплаб набираларнинг буvasи, халқ донолигига меҳр қўйган профессорни кўплаб шогирдлари номидан қутлаймиз. Доймо тугалланмас зар чашмалардан дур териб юраверинг устоз, деймиз.

Қўшмурот БЕКНАЗАРОВ.



“Маърифат намоёндалари” айланма топқирлик машқи

Азиз ўқувчилар! Қуйида таърифланган номлар шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида ёзилади.

1. Шоир, сўфийликда ўз номи билан аталувчи тариқат асосчиси, “Девони ҳикмат” асари муаллифи. 2. XVIII аср охири, XIX аср биринчи ярмида яшаб, ижод этган мумтоз ўзбек шоираси. 3. Янги усулдаги мактаблар очган олим, шоир, “Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ” асари муаллифи. 4. “Шарқ Арастуси” номи билан танилган

5. Ўрта аср қомусий алломаси. 6. Ер куррасининг нусхасини биринчи бўлиб ясаган қомусий олим. 7. XII-XIII асрларда яшаган шоир ва олим, “Ҳибат ул-ҳақойиқ” аҳлоқий таълимий асари муаллифи. 8. XIX асрда яшаган қўқонлик шоира. 9. Хамсачиликни бошлаб берган буюк ижодкор. 10. Маърифатпарвар ўзбек шоири. 10. IX-X асрларда яшаб, ижод этган атоқли форс шеърнати асосчиси.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.



Суюкли жияларим ОЛОВИДИН, ДИЛНОЗА, РАМЗИДИН! Мен сизларни ҳаётингизнинг қувончли они — туғилган кунингиз билан самимий қутлайман. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси ҳаётингизда улкан зафарлар тилаб қоламан. Оллоҳдан камолотингизни тилаб, халқимизнинг ардоқли фарзандлари бўлиб етишингизга умид қиламан.

Сизларга эзгу-ниятлар билдириб: МАСТУРА холатгиз, МУСЛИМОВлар онласи.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ: 700083, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ-32 УЙ Напр кўрсаткичи: 64563

Кўча тўла одам. Ҳамма ўз юмуши, ташвиши билан банд. Йўл четига экилган чиройли дарахтлар орасида эса кучук боласи ти- мирсиқлиниб юрар, гоҳо-гоҳо акиллаб қўярди. Йўловчилар ҳам унга бепарво ўтишарди. Мактабдан қайтаётган Комилжон одамларнинг кучукка бўлган муносабатини бироз кузатиб турди. Юраги увишиб кетди. Жуда-жуда уйига олиб келгиси келди, лекин ойисидан қўрқди. Кучукча эса нимадандир умидвор, лабларини тез-тез ялаб, эркалангандек думчасини ли- киллатиб Комилжонга қараб турарди. “Балки,

ОҚИБАТ

ҲИКОЯ

очдир?” ҳушёр тортди Комилжон. Шошиб сумкасини очди. Очқасам ейман, деб эрталаб олган нонидан бир бурда қолганди. Ўшани аста дарахт тагига қўйди. Кучукча югуриб келиб нонни панжалари орасига олди-да, узала тушиб жон-жаҳди билан ея кетди. Комилжон: “Ҳа, жонивор оч экансан-да. Майли, бундан буён сендан ўзим хабардор бўлиб тураман, ҳеч ёққа кетиб қолмагин,” деди-да, йўлида давом этди. Нонни апил-тапил “тушириб” бўлган кучукча ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа қаради. Гингшиди. Сўнг ерни ҳидлай-ҳидлай Комилжон кетган тарафга югурди.

Бу орада йўловчилардан бир-иккитаси уни

оёқ остидан тепиб ҳайдади. У беозоргина инграб йўл четига ўтиб олди. Қараса, ўша — боягина унга егулик бериб, бошини силаган яхши одам йўл ўртасида турибди. Чамаси, нариги томонга ўтаяпти. Етиб олиш умидида орқасидан югурди.



Шунда йўловчи машина қаттиқ чийиллаб тўхтади. Кучукчанинг аянчли вангиллаши эши- тилди. Комилжон юраги зирқираб ўша томонга қаради... Кучук! Ҳалиги кучук!... У машина гилдираклари орасида одамлардан нажот тилагандай кўзлари очиқ, қонга беланганча ётарди...

— Эҳ, бечорагина, умринг жуда қисқа экан-а, — деди кимдир. Бошқа бировлар эса нима қиларини билмай довдираб турган ёшгина шофёр йигитга дашном беришди:

— Кўзинг борми, қаёққа шошасан, бир жониворнинг уволига қолдинг-ку.

— Нима қилай, узоқдан тормозни босувдим, барибир бўлмади, — ўзини оқларди шофёр.

Одамзоднинг табиати жуда қизиқ. Кучукча фалокатга йўлиқмасдан олдин ҳаммалари ундан ирганишаётувди, ҳатто тепкилашди ҳам. Энди эса... Жониворга шу оқибатларини аввалроқ кўрсатишганда, Комилжонга ўхшаб тўрва халталаридаги емаклардан бир тишлам-бир тишлам ташлаб ўтсалар, савоб бўларди. Инсон меҳрига ташна забонсиз жонивор балки тирик қолаармиди?..

Комилжон шуларни ўйлаб, ўзи ҳам онасидан қўрқиб, журъатсизлик қилганидан ранжиганча турарди.

Матлуба ШЕРМАТОВА, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, 45-мактаб.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати: С. БАҲОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА, Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ /масъула котиб/, Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни» номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: “Буюк Тўрон” кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-647. 29314 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00. 1 2 3 4 5 6